

# МУШОРАКА ВА МУДОРАБА – БАНКЛАР ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ МУҚОБИЛ ВОСИТАЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11402440>

*Додиев Фозил Ўтқурович*

*и.ф.н., доцент, Тошкент Кимё ҳалқаро  
университети, “Банк иши ва бухгалтерия ҳисоби”  
кафедраси мудири,*

**Аннотация.** Ушбу тезисда иқтисодийни ривожлантириш учун муҳим муқобил молиялаштириш тизими бўлган ислом молияси ва унинг асосий молиявий воситалари - мушорака ва мудораба таҳлил қилинади. Уларнинг банклар инвестиция фаолиятини ривожлантиришидаги аҳамияти ўрганилади.

**Калит сўзлар:** тижорат банки, банк инвестиция фаолияти, ислом молияси, мушорака, мудораба.

Мавзунинг долзарблиги: Мамлакатимиз иқтисодийтини барқарор ривожлантириш учун тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. Чунки улар фаолиятини бошлаши ёки кенгайтиришини молиялаштириш учун молиявий ресурслар зарур бўлиб, бунга уларнинг ўз маблағлари ҳамиша ҳам етмайди. Шунингдек, ушбу етишмовчиликни тўлдирувчи асосий манба бўлиб тижорат банкларини кредитлар ҳисобланади. Аммо барча тадбиркорларни молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун тижорат банклари ресурслари етишмайди.

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясида “Асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажмининг йиллик ўртача 7 фоиз атрофида ўсишини таъминлаш” ҳамда “мамлакатимизда 250 миллиард долларлик инвестицияларни ўзлаштириш, жумладан 110 миллиард доллар хорижий инвестициялар ва 30 миллиард доллар давлат-хусусий шериклик доирасидаги инвестицияларни жалб қилиш” қилиш белгиланган<sup>1</sup>. Ушбу вазифаларни бажариш учун мамлакатимизда ислом молиясини жорий этиш, айниқса, унинг анъанавий банклар инвестиция фаолиятига муқобил бўлган мушорака ва мудораба хизматларни тез жорий қилиш лозим.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон фармони. <https://lex.uz/docs/6600413>

Мавзуга оид мавжуд муаммолар: Ўтказилган тадқиқотлар натижасида мамлакатимизда ислом молияси, айниқса, унинг анъанавий банкларнинг инвестиция фаолиятининг муқобил воситалари бўлган мушорака ва мудорабани жорий этишда қуйидаги муаммолар мавжуд:

- Мамлакатимизда ислом молиясини, унинг муҳим воситаси бўлган мушорака ва мудорабани жорий қилиш учун ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилмаган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “Мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа экспертлар жалб этилади” деган эди<sup>2</sup>.

- Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 20 апрелидаги “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-765-сонли қонун қабул қилинган бўлиб, унинг 4-моддасига кўра, мамлакатимизда микромолия ташкилотларига исломий молиялаштириш хизматларини кўрсатишга руҳсат берилган<sup>3</sup>. Аммо ҳалигача ушбу қонунга асосан қонун ости ҳужжатлари ишлаб чиқилмаганлиги сабабли мамлакатимизда бирорта исломий микромолия ташкилотлари ташкил этилмаган. Ёки мавжуд микромолия ташкилотлари ислом молия хизматлари, жумладан, мушорака ва мудорабани амалга оширмапти.

- Мамлакатимиз аҳолиси, тадбиркорлар, ҳаттоки, тижорат банклари мутахассисларининг кўпчилиги ислом молиясини, айниқса, мушорак ва мудорабани билишмайди. Улар асосан анъанавий банклар кўрсатадиган молиявий хизмат - лизингга яқин бўлган ижарани билишади, уни амалга ошириш тартибини тушунишади.

Муаммони ҳал қилиш усуллари: Мамлакатимизда ислом молиясини, унинг муҳим инвестиция воситаси бўлган мушорака ва мудорабани жорий

---

2 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 29 декабрь, <https://president.uz/lists/view/4057>

3 Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 2022 йил 20 апрель, ЎРҚ-765-сон. <https://lex.uz/uz/docs/5972411>

қилиш учун ҳуқуқий-меъёрий асослар яратиш лозим. «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида “камида 3 та тижорат банкларида ислом молияси мезон ва тартибларини жорий этиш, ислом молиясининг қонуний асосларини шакллантириш” белгиланган. Бунинг учун катта ва самарали тажрибага эга Малайзия, Туркия давлатлари тажрибасини ўрганиш лозим. Шунингдек, қонунчиликни яратишда ушбу давлатлар ва Ислам тараққиёт банки мутахассисларини жалб қилиш лозим.

Мамлакатимизда ислом молияси хизматларини кўрсатишни бошлаш, мушорак ва мудорабани йўлга қўйиш учун, аввало, Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонунига қонун ости ҳужжатлари тез ишлаб чиқиш лозим. Бу мавжуд микромолия ташкилотларига ислом молия хизматларини кўрсатиш, жумладан, мушорака ва мудорабани амалга ошириш имкониятини беради.

Мамлакатимиз ислом молияси, айниқса, тадбиркорларни инвестиция фаолиятини ривожлантириш учун муҳим бўлган мушорак ва мудорабани жорий қилиш учун аҳолини, тадбиркорларни ва тижорат банклари мутахассисларини ислом молияси бўйича саводхонлигини ошириш лозим. Бунинг учун, биринчи навбатда, тижорат банклари мутахассисларини ислом молияси ривожланган давлатларга қисқа муддатли малака оширишга юбориш лозим. Тадбиркорлар ва аҳоли учун эса, мамлакатимизда моливий саводхонлик учун жавобгар бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки исломий саводхонликни ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши лозим.

Илмий асосланган таклиф ва тавсиялар: Ўзбекистонда ислом молиясини, айниқса, тадбиркорларни инвестиция фаолиятини ривожлантириш учун мушорака ва мудорабани тез жорий қилиш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалга ошириш лозим:

1. Мамлакатмизда ислом молиясини, унинг муҳим инвестиция воситаси бўлган мушорака ва мудорабани жорий қилиш учун хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда ҳуқуқий-меъёрий асослар яратиш зарур.

2. Мамлакатимизда ислом молияси хизматларини кўрсатишни бошлаш учун Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонунига қонун ости ҳужжатлари тез ишлаб чиқиш лозим.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари, аҳоли ва тадбиркорларни исломий саводхонликни ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида» 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон фармони. <https://lex.uz/docs/6600413>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 29 декабрь, <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 2022 йил 20 апрель, ЎРҚ-765-сон. <https://lex.uz/uz/docs/5972411>
4. Муфтий Муҳаммад Тақий Усманий. Ислом молиясига кириш. Тошкент: “Azon kitoblari”, 2023.- 288 б.
5. Беккин, Р.И. Ислом ва иқтисодий модели ва замон / Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2019. – 360 б.